

БУТУН КУЧ ПАХТА ЙИГИМ-ТЕРИМИГА! ПАХТА УЧУН КУРАШДА ХЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАСИН

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ЙИЛ ЧИҚИШИ

219 (4210)

5

НОВАБР

ЧОРШАНБА

1969 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин

ҲАШАРЧИ СТУДЕНТЛАР

Бир-бирига туташиб кетган адирлар бағрида пахтазор аста-этибди. Эггаларда турналар саф тортган теримчи йигит-қизлар чаққонлик билан ҳаракат қилишмоқда. Уларнинг меҳнати қандайлигини карта бошидаги хирмонга уйлаётган «оқ олтин»нинг гарамидан ҳам билса бўлади.

Бу чевар теримчилар яқинда жолхоз деҳқонларига йигим-теримда сиккидилан ёрдам кўрсатиш учун шаҳардан келишган. Улар Крупская номидаги республика хотин-қизлар педагогика билим юртининг меҳнатсевар студентларидир.

Биз мана шу билим юртининг Муқаддасхон Қосимова бошчилигида бўлган 5-курс студентлари орасида бўлдик. Улар билим юртининг бошқа курслари ўртасида пешқадимлик қилиб пахта теримда коллектив олдиги сазовор бўлишмоқда.


Бу курсда меҳнат унвондорлигининг юқори бўлаётганлигининг асосий сабаби-мусобақадир. Ўқувчилар пахта теримига тушишдан олдин кичик-кичик эвеноларга бўлинишди. Ана шу эвенолар ўзаро мусобақа асосида меҳнат қилдилар. Мусобақа пешқадимларига ҳар беш кунда

қўйма Қизил байроқ ва пул юкоти бериб борилади.

Курс бошлиғи Муқаддасхон Қосимова илгор студентлар ҳақида мароқ билан сўзлаб берди: — Ораинда, — дейди у, — Сойимова, Хамроқуллова, Исоева каби моҳир теримчилар кўп. Бу байратли қизлар 110—120 килограмдан ошириб пахта тўқмондалар.

Пахтакор деҳқонларга ёрдам бераётган ҳашарчи қизларга «Балли, азаматлар» дейди. И. БЕКМУРАДОВА, ТошДУ студенти.

Янгийўл районидаги «Ленинград» колхоз.



АНОРГУЛ Ҳасановани Ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номи колхоз аъзолари жуда ҳурмат қилдилар. Бу ёш механизатор масумда 60 тонна пахта теримга сўз берган экан, у шу кунларда ўз сўзининг устидан чиқиб учун астойдил меҳнат қилмоқда. Суратда: Аноргул Ҳасанова.

У. Шоҳафизов фотоси.



ЯНГИЙЎЛ районидаги Ленин номи колхозининг илгор механизатори Бердир Сулаймонов йигим-теримда бошқаларга намуна бўлмоқда. У ўз агрегатини тўхтовсиз ва унумли ишлатиб, яхши натижаларга эришяпти. Ҳар кун эл хирмонига қўйлаб «оқ олтин» тўқмоқда. Суратда: Б. Сулаймонов.

Б. Гафуров фотоси.

САНОАТЧИЛАР ЗАФАРИ

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига ўзаро социалистик мусобақани кенг қулоқ ейтириб, Калинин райони саноят ишлаб чиқариш комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш йиллик планларини муддатидан анча олдин-адо-этидилар.

Бу муваффақиятни қўлга киритишда меҳнат, металл ва қандолат цехлари коллективлари аниқсиз катта ҳисса қўшдилар. Бу устакларда йиллик топшириқ тўққиз ойдаёқ бажариб қўйилди. Пахта тилиш станоклари, пресслар ишчилари ўнатилиб, маҳсулот танларини салкам олти процентга арзонлаштирилди.

Ахил коллектив йил охиригача яна 100 минг сумлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва буюртмачиларга жўнатиш иштиникида меҳнат қилипти. С. Нурмухамедов, Е. Ногорний каби илгор ишчилар бу мажбурийатни ҳам муддатидан олдин бажариш учун бошланган мусобақада пешқадимлик қилмоқдалар.

Яқин келажакда корхонамиз яна ҳам кенгайиб, қуввати анча ошади, — дейди комбинат директори ўртоқ С. Акромов. — Ҳозир Илгич номи колхоз территориясида текис дехи, 1-«Назарбек» совхозни территориясида эса кўн-галантерей цехи очилиб юзасидан бошланган тайёрларлик ишлари нийҳосига етай, деб қолди.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР:

Пахтамиз — бахтимиз, ифтихоримиз, бойлигимиз. Унинг бир граммини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олайлик.

Мамлакатни „оқ олтин“ билан кўпроқ таъминлаш ватанпарварлик, интернационал бурчимиздир. Ўзбекистон пахтасидан Иттифокимиздаги барча халқлар, социалистик мамлакатларнинг халқлари ҳам манфаатдордирлар.



МУАЗЗАМ Қодирова ва Раъно Зариповалар Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетига таълим олишди. Меҳнатсевар бу қизлар шу кеча-кундузда Мирзачўл районидаги Ленин номи совхоз даладарига ҳормай пахта териммоқда. Уларнинг кунлик терган пахтаси 100 килограмдан кам бўлмапти. Суратларда: (юқоридан пастга) М. Қодирова ва Р. Зарипова.

ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Беш йилликнинг тўрттинчи йиллини катта ютуқлар билан яқунлаш учун курашаётган Оққўрғон районидаги Энгельс номи колхоз пахтакорлари маррага етганликлари ҳақида гадаба рапорти бердилар.

Колхоз пахтакорлари тайёрлов пунктларига 1153 тонна «оқ олтин» етказиб бериб, йиллик планни 100,35 процент адо-этидилар. Машина теримини 122 процент бажаришди. Пахтакорлар об-ҳаво қийинчиликларини енгиб, 475 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26,5 центнердан ҳосил кўтардилар.

Колхозда қишлоқ ҳўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам ютуққа эришилди. Давлатга қаноп пойсоти сотиш планни 100,7 процент, туҳум тайёрлаш планни 128 процент, сазавот маҳсулотлари тайёрлаш планни 105 процент, дағал хашак ва сизос тайёрлаш планлари ҳам ошириб бажаришди.

Колхоз пахтакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, яна 160 тонна пахта сотишга аҳд қилишди.

КОМБИНАТ ЁРДАМИ

Пахта фронтида кўплар қатори иштирок этаётган Оққўрғон шаҳридаги пластмасса буюмлари ва қурилиш материаллари комбинати ишчилари Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозининг 5-бўлимида баракани меҳнат қилиб, ҳўжалиқ хирмонига қўйлаб «оқ олтин» тўқмоқдалар.

Комбинатнинг пешқадим ишчиларидан Карима Нишоновна, Эркин Убайдуллаев, Файзулла Иброҳимов ва Тания Штечкиналар ҳар кун 70—80 килограмдан ошириб, пахта териб, илгорлигини қўлдан бермай келишмоқда.

Совхоз пахтакорлари ҳам долзарб кунларда ўзларига ёрдамга келган шаҳарлик ишчиларга барча шарафларни яратиб беришган.

Совхоз пахтакорларининг йигим-теримни қисқа муддатда тугаллаб, даладарда етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда комбинат ишчиларининг ёрдами катта бўлди. Улар ҳавонинг очиб қунарлардан унумли фойдаланиб, терим суръатини янада оширмоқдалар.

Н. ТУРАЕВ.

О. ХУШНАЗАРОВ.

„ОҚ ОЛТИН“ ОРОЛИ

«Қўқорол» массиви поёнсиз. Бу ерлар сувга ташна йилдоқ адр. Қишда дашт асрий бойликларини сийнасида пинҳон тутиб келган. Ана шу чўлга, деҳқон назари тушди. Адр пахтакор жасоратига, ақл-заковатига бош оғди.

Утган куз қудратли трактор, бўльдоев ва скреперлар азим чўл сукунатини буюб, наъра торди. Бирйўла бу даштга юзларча одамлар, техника ҳужум бошладилар. Уларнинг мақсад ва нияти битта эди. «Азим чўлини ўзлаштириш, бу ерларга «оқ олтин» уруғи қадаб, ундан мўл ҳосил етиштириш». Янги ҳўжалиқ деҳқонлари ағона шу мақсад йўлида қиш, баҳор тер туғиб меҳнат қилишди. Ўзлаштирилган ҳар бир гектар майдондаги туپроқ, структураси ўрганиб чиқилди.

Бир умр экин битмаган чўл бағрига биринчи бўлиб «оқ олтин» уруғи қадаган азаматлар ким, деб сўрайсиз? Булар қалб амри билан Қўқорол массивига дадил ҳужум

бошлаган бўқалиқ марди-майдонларидир.

Чўлуварлар намунали меҳнат қилиб, техника кучидан самарали фойдаланганликлари туфайли пайкаларда мўлжалдаги ҳосил тўланди. Бу йилги оғир шартонда ҳам улар терим ишларини эрта бошладилар.

Биринчи ҳосил бўлиб деҳқонларини чекиз қувонтириб юборди, чунки пахта теримининг дастлабки қулиридан оғир тектар бошига олинган ҳосил мўлжалдаги 14 центнердан салкам 3 центнер ошиб кетди. Терим суръатини ошириш ва йигим-теримни қисқа муддатда тугаллаш лозим эди. Меҳнаткорларнинг пахта майдонларида гайрат кўрсатиб ишлаши хирмонга барака киритди.

Қир тепасига жойлашган бўлиб шийпонидан атроф яққол кўзга ташланади. Узоқда тинимсиз ишлайтган «зангори кема» лар, чаққонларда тўлиб-тошган оппоқ пахтакор чаққонлик билан терайт-

ган чевар теримчилар кўринади. Бугунги кунда бўлим пахта даладарига ҳосил учун кураш авжида.

— Биз эришилган ютуқларни мустаҳкамлаймиз, — дейди бўлим бошқарувчиси Сарвар Исқандаров. — Бу йил мўл ҳосил етиштиргунча қанча-қанча меҳнат қилиниб, қанчадан-қанча тер туғилмади, дейсиз? Деҳқонларимизнинг чўлдаги чинакам жасорати ҳақида ҳар қанча мақтов сўзлари айтилса камлик қилади.

Ана шу жасоратли чўлувар йигитларимиздан бири Муҳаммад усмон Мамашқировдир. У эрта баҳордан бери бир эвенога ҳис бўлиб, 45 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 17 центнер ўрнига 25 центнердан ошириб ҳосил кўтариш ниятида. Пахта теримининг бугунги қизғин кунларида эса у ҳар кун эл хирмонига 4—5 тоннадан юқори сифатли пахта тўқмоқда.

Исқандар ака пахта учун ку-

рашда мардонаворлик билан меҳнат қилаётган чўлуварларнинг номини бир-бир санаб ўтди. Ибрагимбек Аятов, Воҳид Шамиллов, Мирқодир Холбоев, Қодир Турсунов, Маннон Иброҳимов...

Мана шулар илгор эвенолари бошқарипти, ер ҳазинасини очиб учун жон куйдириб меҳнат қилипти. Уларнинг ҳар бири зиммасига улкан мажбурият олган — мавсумда 100—120 тоннадан ошириб пахта териб бериш.

Сарвар Исқандаров бошлиқ бўлим чўлуварлари бу йил 840 тонна ўрнига 1000 тонна «оқ олтин» йиғиб олиш, ҳосилнинг ҳаммасини «пўлат этак» лардан тўқнишга бел бошлаган.

Совхозда пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун курашаётган бундай бригадалар сон оз эмас. Умурзоқ Ёқубов, Мавлон Эрматов, Пардабой Сувоңқуловлар бошлиқ бригада деҳқонларининг бу йилги ниятлари ҳар гектар ердан 20 центнердан ошириб ҳосил кўтаришди.

Бўқада йирик пахтакор ҳўжалиқларидан бири бўлган «Қўқорол» совхозини эндиликда «оқ олтин» оролига айланиб бормоқда. Ҳўжалиқ деҳқонлари бу йил 2500 тонна ўрнига 4000 тонна ҳосил йиғиб олиш учун бор, имкониятлардан фойдаланиб, терим суръатини жадаллаштирмоқдалар.

Совхоз пахтакорлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан янги тадбирлар белгилаб чиқдилар.

Чўл бағрини «оқ олтин» қонига айлантираётган «Қўқорол» баҳоридан барча совет кишилари қатори бу йил доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига арифли тўёна ҳозирлаш, эл хирмонига ҳар йилдан мўл ва сифатли пахта етказиб беришдек шарафли вазифани бажариш йўлида астойдил меҳнат қилишди.

Н. ТУРАЕВ.

О. ХУШНАЗАРОВ.

ФАН ЙЎЛИДА, ВАТАН ШУҲРАТИ УЧУН

МОСКВА УНИВЕРСИТЕТИДА МАТВУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

МОСКВА, 4 ноябрь (ТАСС). Бугун Ленинград Горади Москва Давлат университетининг мажлис залига «Союз-6», «Союз-7», «Союз-8» космик кемаларининг гуруҳа бўлиб қилган парвози муваффақиятли амалга оширилганлиги ҳамда СССР космонавт-учувчилари, Совет Иттифоқи Қўрамонлари Г. С. Шонин, В. Н. Кубасов, А. В. Филиппенко, В. Н. Волков, В. В. Горбатко ҳамда икки марта Совет Иттифоқи Қўрамонлари В. А. Шаталов ва

А. С. Елисеенлар билан учрашуга бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Матбуот конференциясининг СССР Фанлар академиясининг президенти академик М. В. Келдиш очди. У совет ва чет эл журналистларига космик кемалар гуруҳа бўлиб учинининг фан ва космонавтика ривожлантириш учун аҳамияти ҳақида сўзлаб берди.

Сўнгра «Союз» кемалари экипажларининг аъзоларига сўз берилди.

356.000

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 4 НОЯБРАГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда, учинчи стун — мавсум бошдан бери, тўртинчи стун — бир кунда машинада герилгани, бешинчи стун — мавсум бошдан бугун машинада герилгани.

Оққўрғон	1,54	81,43	0,87	68,99
Янгийўл	1,50	79,99	0,98	47,37
Ўрта Чирчиқ	1,36	65,76	0,74	45,33
Оржоникидзе	2,00	64,01	—	43,90
Юқори Чирчиқ	2,04	63,47	1,56	61,02
Бекобод	1,17	54,72	0,44	25,40
Бўқа	1,46	53,39	0,57	32,13
Область бўйича	1,46	67,31	0,76	46,74

ИЛГОР ПАХТАКОРЛАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Тошкент область партия комитети ва область икрия комитетининг райони раёнлар, колхозлар ва совхозларда пахта терилиш ташкил қилиш ҳамда ҳосилни давлатга топшириш юзасидан бошланган мусобақанинг октябр ойи учинчи ўн кунлиги якунларини қўриб чиқиб, қарор қабул қилдилар.

Область партия комитети ва область икрия комитетининг кўчма Қизил байроғи Оржоникидзе райони (район партия комитетининг секретари Қўриқбоев, район икрия комитетининг раиси Қосимов, район ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Ғуломов, район комсомол комитетининг секретари Тўрақонов, «Узсельхозтехника» бунёдхонаси Район ўртоқлари берилди. Район пахта тайёрлаш планини 59,84 процент, шу жумладан машина теримини 43 процент бажариб, ўн кунлида пахта теримда 11,09 процент ўсига эришган.

Байроқ Юқори Чирчиқ районида олиб берилди.

Область партия комитети ва область икрия комитетининг кўчма Қизил байроғи Бекобод районидаги «Ленинград» совхозига (директори Ортоқов, партия ташкилотининг секретари Қўжипироев, комсомол ташкилотининг секретари Дарибо-

ев, ишчилар комитетининг раиси Ким, бош агроном Шарипов, бош инженер Умаров ўртоқлар) берилди. Совхоз йиллик пахта тайёрлаш планини 138,17 процент, шу жумладан машина теримини 263 процент бажаришга эришиб, ўн кунлида пахта тайёрлашда 14,34 процент ўсига эришган.

Байроқ Оққўрғон районидаги «Коммунизм» совхозидан олиб берилди.

Область партия комитети ва область икрия комитетининг кўчма Қизил байроғи Янгийўл районидаги Энгельс номи колхозга (раиси Шамсенов, партия ташкилотининг секретари Раимқулов, комсомол ташкилотининг секретари Матқодиров, колхоз раисининг механизатори бўйича Ўрибосари Ерқўлов, бош агроном Тўрақонов ўртоқлари) берилди. Колхоз пахта тайёрлаш планини 82,83 процент, шу жумладан машина теримини 28,29 процент бажариб, ўн кунлида пахта топшириш бўйича 16,92 процент ўсига эришган.

Байроқ Оққўрғон районидаги Киров номи колхоздан олиб берилди.

Янгийўл ва Бекобод районларининг пахтаини териб ва давлатга топширишни яхши йўлга қўйганликлари қайд қилинди.

ОБЛАСТИМИЗ МЕХАНИЗАТОРЛАРИ МАШИНАДА ТЕРГАН ПАХТА 100 МИНГ ТОННАДАН ОШИДИ. ҚУЛАЙ ФУРСАТИНИНГ ҲАР БИР ДАҚИҚАСИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ, „ЗАН-ГОРИ КЕМА“ЛАРИНИНГ ТЎХТОВСИЗ ИШЛАШНИНГ ТАЪМИНЛАЙЛИК.

ТОННА УЧУН

ПАХТАКОРЛАРГА САВДО ХИЗМАТИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

Пахта йигим-терими ҳозирда умумхалқ ишига айланиб кетди. Айниқса, Ўзбекистон партия ва ҳукумати томонидан республика миёда яшаб турган барча кишиларга қарата қилган Мурожаатини кейин кўпчилик ўз бурчини ҳис этган ҳолда пахтазорларга отланди.

Пахтакорлар чигит экишдан, бошлаб то ҳосил етиштиригунча мураккаб об-ҳаво шароитида жон куйдириб ишлашди. Ўтган йилги кишининг ҳаддан ташқари чўзилиб кетиши ерга барака уруғи қаддини анча орқага суриб юборди. Бунинг устига ёз ҳам кўз ҳам беқарор келди.

Далаларда меҳнат қилаётган кишиларга маънавий ва савдо хизмати кўрсатиш ҳозирги куннинг асосий вазифаларидандир. Агар шу иш намунали ташкил этилса, даладаги кишининг қилаётган ишлари баракали ва унумли бўлади, вақтлари тежалди.

Ана шуни ҳис қилган маънавий хизмат кўрсатиш комбинатлари, район матлубот жамиятининг савдо ходимлари пахта йигим-терими

да қатнашаётган ҳашарчиларга, пахтакорларга намунали хизмат кўрсатишлари керак.

Редакцияимиз яқинда область савдо инспекцияси ёрдамида Ўрта Чирчиқ район матлубот жамияти ҳамда умумий оқатлашчи корхоналари ходимларининг пахта йигим-теримида иштирок этаётган кишиларга қандай хизмат кўрсатаётгани билан танишиб чиқдик.

Текширишда шу нарса маълум бўлдики, кўпчилиги савдо ходимлари ўз масъулиятларини тўла ҳис қилган ҳолда ишлашяпти. Дала шийпонларида, кўча савдо дўконларида савдо қилиш бирмунча яхши йўлга қўйилган. Пахтакорлар учун зарур бўлган кийим-кечаклар, озиқ-овқатларнинг ҳамма тури билан савдо қилишга эътибор берилляпти.

Лекин Ўрта Чирчиқ район матлубот жамияти (превление ранси) ўртоқ Ф. Адельшина) бу соҳада айрим камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Текшириш натижалари яқунда, матлубот жамиятининг қа-

тор савдо тармоқлари ва умумий оқатлашчи бўлимининг айрим ходимлари бу муҳим кампанияга етарли тайёргарлик кўрмаганликлари яқин кўрилди.

Кишилар учун энг зарур бўлган иссиқ кийимлар ҳамма дўконлар

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

дан топилмади, уларнинг тури жуда кам. Бунинг устига харидорларга сотилаётган молларнинг айримларини устига ортиқча нарх қўйиб сотаётган, харидорлар ҳақини ҳам торозидан, ҳам пулдан ураётган савдо ходимлари борлиги маълум бўлди.

Маълумки, бу йилги шароитни ҳисобга олган тегишли ташкилотлар пахта йигим-теримида ишлаётган кишиларга сотиш учун жуда кўп миқдорда турли иссиқ кийимлар ажратилган. Район матлубот

жамиятида сотиш учун ажратилган 5000 дона пиджадан эса бор-йўғи 2200 донаси, 3500 дона пахтали шимдан эса 1533 таси келтириб сотилган. Қўриқиб турибдики, бу соҳадаги план 50 процентга ҳам етказилмаган. Бундан ташқари, 20 ўрнига 9 та кўча савдо, 30 ўрнига 15 та сотувчи савдо ларен ташкил этилган.

Кўпчилиги савдо тармоқлари санитария-гигиена қоидаларига тўла жавоб бермайди. Айримларида савбот маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳам яхши ташкил этилмаганлиги кишини афсуслантиради. Баъзи дўконларда аҳоли энг кўп талаб қиладиган туз, гурут, совун каби қатор асортиментдаги нарсалар топилмади.

Ўрта Чирчиқда 3-ошхона буфетчиси К. Шерматовга ўқша қатор қўлчилар бор. У бир харидорга 1 сўм 44 тиынлик маҳсулотни 1 сўм 65 тиынга сотган. Қорасу селёсига қарашли 2-магазин мудири О. Жарнанов эса 400 грамм «Ароматная» конфетдан 35 граммни чегириб қолган бўлса, шу селёсига қарашли новвой ундан ҳам

уста чиқиб қолди. Бу устаси фаранг А. Абелесов епаётган ҳар бири 10 тиынлик нон 400 граммдан тош босини лозим бўлса, унинг қўлидан чиқиб, харидорга тақдим этилаётган нонларнинг бир нечаси тортилганда 280 граммданга тўғри келди.

Шунга ўқша ш қатор фактлардан кўришиб турибдики, бу матлубот жамиятида савдо ходимлари устидан назорат яхши йўлга қўйилмаган. Айрим ходимлар эса «сен менга, мен сента тегма» қабилида иш тутиб, ўз масъулиятларини ваъдаларини ҳалоллик билан бажармаётган.

Агар матлубот жамияти раҳбарлари пахтакорларга савдо хизмати кўрсатиш соҳасида кескин бурилиш ясамасалар бундан ҳам яқиндирок ишқонлар юз бериши эҳтимолдан узоқ эмас.

А. ТОЖИБЕВ.

область савдо инспекциясининг жамоатчи инспектори.

А. МИРЗААХМЕДОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ШОЛИ ДАВЛАТГА


ОБЛАСТИМИЗ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА
ДАВЛАТГА ШОЛИ СОТИШ ПЛАНИНИНГ
БАЖАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА 4 НОЯБРГАЧА
БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Шоликорлар 4 ноябргача давлат хирмонига 2762 тонна шולי тўкиб, йиллик плани 16,4 процент адо этдилар. Области миқдорини Оркинқидзе райони 62,0, Калинин райони 27,8, Янгйўл райони 26,6, Бекобод райони 24,2, Оққўрғон райони 12,9, Бўстонлиқ райони 12,5, Ўрта Чирчиқ райони 11,9, Юқори Чирчиқ райони 7,3, Бўка райони миқдорини шоликорлари 4,3 процент миқдорда шולי тўкишди.

АКМАЛ ПУЛАТ

ҚУЛОҚ СОЛ



(КИШГА ТАЙЕРЛИК КЎРМАГАН БИР БЕҒАМ ФЕРМА МУДИРИГА ОЛА
СИГРИНИНГ ҒАЗАБ БИЛАН АЙТГАНЛАРИ)

Ферма мудар гапларимга қулоқ сол,
Дод дейди дастингдан қўй, эчки, от, мол.
Ҳаммаимизга азоб бердинг сен аяков,
Узингсан дағдасга, иш ёқмас аяков.
Қиш келар қиличчи олиб фермага
Таъналар кор қилмас сендек эзмага
Яланғоч устиниз, еш-хашаққа зор,
Сендайин мудардан чорвалар безор.
Роҳатда яшайсан, печкадан уйда,
Ашуланг таралла, кўча-қўй, тўйда.
Унутдинг бизларни йўқдир парвойинг,
Сўржайсан на кечди дед аҳволинг.
Ез бўйи манганиб роса сўзларинг.
Қиш бўлса, пўстини ҳам буглар қўларинг.
Айтган-чи, мучча ҳам беғам-тўрасан
Гўшт, қўймоқни суриштирмай урасан.
Қани кўрсат босиди деган силосинг?
Гапирсангчи, борми оғизда посинг?
Зоримга ҳатто бир бог хашақка,
Қўйимиз тўдидинг алдаб пучакка.

Ўйламай қиш ғамин, кайф-сафо сурдинг,
Энг муҳим пайтда юзингни бурдинг.
Кўрсат ҳозир бизга овқат-озинг.
Бултурғидай алайимизни, қозинг.
Ўтган йил ҳам худди шундай қилгандинг,
Қалбимизни нашта билан тилгандинг.
Иясоф билан қўшин колхозга қара,
Ҳамма иш жойида еш-хашак сара.
Сигри сўт берар, чеклаб ҳар кун
Ишлари жойида, аҳолидан яку.

Сен бўлсанг бу йил ҳам қолдинг армонда,
Аҳдингни бажармай бўлдинг шермада.
Йўқол, ҳозир қўларимга қўрима,
Сут бергин деб беҳудуга уримга.
Эй, ваъдабоз шохим билан иламан,
Баданингни тилка-пора қиламан.
Кўрсат, дейман ҳозир хашак-озинг,
Бултурғидай алайимизни қозинг?

Дунё хабарлари

ҚАРАШЛАР БИРЛИГИ

Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар армиялари раҳбар составининг кенгаши 30 октябрдан 3 ноябргача Прагада бўлиб ўтди.

Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар бирлашган қурулми кучлари бош қўмондонини Совет Иттифоқи маршали И. И. Якубовский кенгашга раҳбарлик қилди.

Бирлашган қурулми кучларнинг 1969 йилдаги жанговар тайёргарлиги, оператив ва жанговар ҳозирлиги қандай аҳволда эканлиги яқунлаштирилди ва келгуси йилдаги вазифалар му-

ҳокама қилинди. Кенгаш қатнашчилари баъзан ҳарбий қисмларга бордилар, Чехословакия Халқ армияси қўшинларининг машқлари ва машғулотларида ҳозир бўлдилар.

Кенгаш, деб таъкидлашда ахборотда, дўстона вазиятда ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтди. Кенгаш давомида бирлашган қурулми кучлар тайёргарлигини янада такомиллаштириш юзасидан қарашларнинг бир хил бўлишига эришилди.

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Че-

хословакия Социалистик Республикаси мудоффа кенгашининг раиси Густав Гусак ва Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари, ЧКП Марказий Комитетининг Чехия областрларида партия ишига раҳбарлик бюросининг раиси Любомир Штрогал Совет Иттифоқи маршали И. И. Якубовский ва Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар делегацияларининг раҳбарларининг ҳамда бошқа масъул шахсларни қабул қилдилар. (ТАСС).

БИР БИТИМГА КЕЛИНДИ

ҚОҶИРА, 3 ноябрь. (ТАСС). Кеча Қоҳирада Ливан делегацияси билан Фаластин делегацияси ўртасида Ливан қурулми кучлари билан Фаластин партияси отрядлари ўртасида ўт оқишини тўхтатиш тўғрисида битим тузилди. Бу битим 3 ноябрга ўтар кечаси кучга кирди.

Қўшма ахборотда бундай дейилди: ҳар инқала томон Ливандаги тағлиқ натижасида қўрилган ҳамма тадбирларни амалга оширишни тўхтатиш тўғрисида ва барча масалалар юзасидан тамомла бир битимга келиш мақсадида музокараларни давом эттириш ҳақида бир битимга келиди.

Бу—ҳозирги тағлиқ пайтида

Ливан маъмурулари вакиллари

нинг Фаластин партиялари

раҳбарлари билан биринчи

бевосита учрашуви бўлди. Ливан

Фаластин музокаралари олди

дан Қоҳирада дипломатик йўл

билан қизғин иш олиб борилди.

Бу иш Ливан тағлиқини бартараф қилиш йўллари

ни қайта қаратишга эди.

Бугун Қоҳирада Ливан ва

Фаластин делегацияларининг

иккинчи учрашуви

тўғрисида муносабатларни

ларни ҳар томонлама тартибга

салиш масалаларини муҳокама

қилиш давом эттирилди.

ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИДАН

КЕЛГАН МЕҲМОН

Вьетнам Демократик Республикаси Ташқи савдо министри

нинг ўринбосари Нгем Ба Дик

Ўзбекистонга келди.

4 ноябрь кунини меҳмонни Ўзбекистон ССР Савдо министри

Ғ. Ғ. Юсупов қабул қилди. Нгем

Ба Дик Республикада бир неча кун бўлади. (ЎзТАГ).

СОВЕТ КАСАБА СОЮЗЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВДРДА

ХАНОЙ, 3 ноябрь. (ТАСС). Дўстлик визити билан Вьетнам Демократик Республикасида меҳмон бўлиб турган ВЦСПС секретари С. А. Шалаев бошчилигидаги совет касаба союзлари делегациясини Вьетнам касаба союзлари федерациясини марказий комитети раисининг ўринбосари Нгуен Конг Хоа қабул қилди. Оқиб кўнгилли ва дўстона вазиятда ўтган суҳбат вақтида ҳар инқала мамлакат касаба союзлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикрлашиб олди ва ҳалқаро коммунистик ҳамда ишчилар ҳаракати бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Нгуен Конг Хоа совет меҳнатчиларини яқинлаштириб қолган Октябрь байрами билан қизғин табрикледи, вьетнам халқининг АҚШ агрессиясига қарши олиб бораётган курашида унга жуда катта ёрдам бераётганлигини ва қўллаб-қувватлаётганлигини ушун Коммунистик партияга, Совет Иттифоқи ҳукумати ва халқини самимий ташаккур изҳор қилди.

Шундан кейин Совет касаба союзлари делегацияси Ханой касаба союзлари федерациясида ўртоқларга суҳбат ўтказди.

Федерация раиси Ву Динь Ханой касаба союзларининг 160 минг аъзоси номидан гапириб, ҳар томонлама ва конкрет ёрдам бераётганликлари учун ВЦСПС делегациясига, Совет Иттифоқи меҳнатчиларига ва Коммунистик партиясига самимий ташаккур изҳор қилди. У Ханой ишчилар синфи ишлаб чиқариш вазифалари ва планларини бажаришда эришадиган муваффақиятларини Октябрь революциясининг 52 йиллигига бағишлайди, деди.

«ПРОБЛЕМИ МИРА И СОЦИАЛИЗМА» ЖУРНАЛИ РЕДАКЦИОН КЕНГАШИНING МАҲЛИСИ

ПРАГА, 3 ноябрь. (ТАСС). Прагада Коммунистик ва ишчи партияларининг назарий ва ахборот журнали «Проблеми мира и социализма» редакцияси кенгашининг навбатдаги сессияси 30 октябрдан 3 ноябргача Прагада бўлиб ўтди. Кенгашнинг ишида Европа, Осиё, Африка ва Америкадаги 58 коммунистик ҳамда ишчи партияларининг делегациялари қатнашди.

Муҳокамада барча делегациялар иштирок қилди. Редакциянинг кенгаш муҳокама давомида журналининг 1960—1969 йиллардаги иш тўғрисида редакциянинг коллегиянинг ҳисоботини ҳар томонлама муҳокама қилди. «Проблеми мира и социализма» журналининг нашр этганини халқаро коммунистик ҳаракат тараққиётининг талабларига жавоб беради, марксизм-ленинизм, пролетар интернационализм принциплари асосида бирлик ва жипсликка ёрдам беради, деб

таъкидлаб ўтди. Редакция кенгаш журналининг фаолиятини яхшилаш чораларини белгилди.

Редакция кенгаш журнал редакциясига В. Н. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан Коммунистик ва ишчи партиялар қизитиб юборган тайёргарлик ишларини кенг ёритиш, марксизм-ленинизм пропаганди қилиш ҳамда ижодий тарзда ривожлантиришга ёрдам беришни топширди.

Журнал олдинги Коммунистик ва ишчи партияларнинг иш тажрибаси билан журналхонларнинг кенг таништириш; улар ўртасида ўртоқларча фикрлашиб олишни уюштириш; империализмга қарши, тинчлик, демократия, миллий мустақиллик учун социализм учун кураш маффаатларини қўлаб барча антиимпериалистик кучларни жипслаштиришга ақтия ёрдам бериш вазифалари қўйилди.

ЛЕНИН БЎЛГАН ЖОЙЛАРДА

В. И. Ленин Лондонда бўлган кезларида кўп вақтини Британ музей кутубхонасида ўтказди. 1908 йилнинг май ойида — у Швейцарияда «Материализм ва эмпириокритицизм» асарини ёзаётганда атайлаб Лондонга келиб, Британ музей кутубхонасида XIX аср инглиз физиклари ва файласуфларининг асарлари билан танишган эди.

Суратда: Британ музейга кирарканда.

А. Катков фотоси.
(ТАСС фотохроникаси).



